

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил „ 10 - октябрь

№ ПК-3318

“ ____ ” 20 г.

**Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини
янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя килиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуидагилар белгиланганлиги маълумот учун кабул қилинсин:

фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг хукуклари ва конуний манфаатларини, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чикишда ҳимоя килиш;

фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, саклаш ва сотиш ишларида, шу жумладан агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларни ташки бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермер, дехқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг хукукий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл кўяётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш;

соҳада замонавий ресурстежовчи илфор агротехнологияларни, муқобил энергия воситаларини, шунингдек инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга кўмаклашиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик мухитини яратишда бевосита иштирок этиш;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошка соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўриш, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган намунавий фермер хўжаликларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш;

қишлоқ хўжалигида ҳуқукий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматини, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш, харид килиш, кайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг бошқа ташкилотлар билан кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш;

қишлоқ жойларда аҳолининг дехкончилик маданиятини юксалтириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланиш, шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофик;

Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофик;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар ва туманлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофик маъқуллансан.

3. Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашларига куйидаги ҳуқуклар берилсан:

халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини мухокама килишда иштирок этиш ва ўз хулосасини тақдим этиш;

фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдирган талабгорларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, малакасини ошириб бориш ва улар орасидан муносаб номзодларни ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсия қилиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоки билан биргаликда ёшларга фермер ва дехкон хўжалиги юритиши учун ер участкалари ажратиш ҳақида ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсиялар бериш;

фермер ва дехкон хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини ажратиш юзасидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига хulosалар киритиш;

фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш;

фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошка ташкилотлардан конун хужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, хужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

4. Белгилансинки:

фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг хукуклари ва конуний манфаатларига тааллукли норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) билан келишилиши шарт;

Кенгаш раиси лавозими бўйича “Агробанк” акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига киритилади;

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ва туман хокимларининг фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси хисобланади ҳамда макоми бўйича уларнинг ўринбосарларига тенглаштирилади.

5. Туман фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари хузурида фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига **комплекс хизмат қўрсатиш марказлари ташкил этилсин**.

Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга консалтинг хизматларини қўрсатиш, шу жумладан хукукий, иктисодий, технологик соҳаларда маслаҳатлар бериш, бизнес-режалар тузишда кўмаклашиш;

ишлаб чиқарилган кишлок хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташки бозорларда реализация қилишда воситачилик хизматларини қўрсатиш;

фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, уруғ ва кўчатлар, тараалар, техника ва бошка воситаларни етказиб бериш;

банк кредитлари, халқаро ва хорижий молиявий ташкилотларнинг кредит ва грантларини жалб қилиш бўйича маслаҳат хизматлари қўрсатиш;

кишлок хўжалиги соҳалари бўйича белгиланган тартибда қайта тайёрлаш, малака ошириш ўкув ва амалий курсларини ташкил этиш;

фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер участкаларида кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, саклаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва хизмат кўрсатишида кооперация муносабатларини ташкил қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

6. Белгилаб кўйилсинки:

барча фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг экин майдонларида уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича прогноз ҳажмлар белгиланади;

хар йили 1 февралгача фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари раислари ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ҳудуддаги дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг экин майдонларини хатловдан ўтказади, уларда йил давомида экиласидиган экин турлари ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини оила эҳтиёжи ва сотиш учун мўлжалланган кисмларга ажратган ҳолда аниклади, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиши, экинларнинг тўлик ва сифатли экилиши, агротехник тадбирларнинг ўз вактида амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этади;

якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорка кисмида асосиз равишда қишлок хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирулган ер эгаларига нисбатан белгиланган ер солиги ставкасининг уч баробар оширилган миқдори кўлланилади;

дехқон хўжалиги юритиш учун уй-жой куриш хукукисиз берилган ер участкаларида кишлок хўжалиги экинлари экмаган ер эгаларининг ер участкасига бўлган хукуки конун хужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

7. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вактида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари билан биргаликда:

хар йили кейинги йил ҳосили учун экин экишдан бир ой олдин фермер хўжаликлари кесимида, контурлар ва экин турлари бўйича, тупрок, иклим, сув шароитидан келиб чиқиб, камидан икки марта ҳосил олинишини ҳисобга олган ҳолда кишлок хўжалиги экинлари жойлаштирилишини тъминласин;

хар йили 15 февралгача барча дехқон хўжаликлари ва томорка ер участкалари кесимида етиштириладиган маҳсулотларнинг прогноз ҳажмларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари карорлари асосида тасдиқланишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солик қўмитаси Кенгаш, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари билан биргаликда:

фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан тайёрлов, кайта ишлаш ва экспорт килувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда чакана сотиш тўғрисида шартномалар тузилишини тизимли равишда ташкил этсин;

кишлок хўжалиги экинларининг тўлиқ ва сифатли экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини замонавий ўлчов воситалари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратларидан (дронлардан) фойдаланган холда доимий мониторинг қилиб борсин;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлок хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширгмаган фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан конун хужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан улгуржи истеъмолчилар, шу жумладан тайёрлов, кайта ишлаш ва экспорт килувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо харид корхоналари ўртасида шартномалар тузиш ва бажаришда конунчиликка риоя килиниши, шартнома интизомини бузганлиги учун тарафларнинг жавобгарликка тортилиши устидан тизимли назорат олиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб фермер хўжаликлари томонидан Кенгашга аъзолик бадаллари тўлаш учун ҳар йили пахта хом ашёси харид нархини ўрнатишда 0,8 фоиз микдордаги маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жихозлашни максадли молиялаштириш жамғармаси билан биргаликда Жамғарманинг ҳар йилда шаклланадиган балансида алоҳида бандда мазкур маблағларни ойма-ой акс эттирсин;

Марказий банк, Кенгаш, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фермер хўжаликларининг аъзолик бадалини Кенгашга ўтказиш ва тасдиқланадиган смета асосида харажат килиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг агросаноат комплексига масъул бўлган ўринбосарига қишлоқ хўжалигига тўлов интизомини мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

13. Кенгаш Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш хукуки билан жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Кенгашга ажратилган бинони таъмирлаш ва жихозлаш манбалари юзасидан Вазирлар Махкамасига таклиф киритсин.

Корабалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашларини зарур бинолар билан таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошка манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


Тошкент шахри



Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “10” октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлиари ва томорка ер эгалари кенгашининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “10” октябрдаги ПҚ-ЗЭІ8-сон карорига
2-илова

**Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашни ижро аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**

Фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари бўйича раиснинг биринчи ўринbosари	Дехкон хўжаликлири ва томорка экин майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича раис ўринbosари	Кишлоп хўжалигининг муҳим йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича раис ўринbosари	Хукукий масалалар ва шартномавий муносабатлар бўйича раис ўринbosари	Раис ёрдамчиси
Фермер хўжаликларини комплекс ривожлантириш ва ердан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйими	Дехкон хўжаликлири ва томоркалардаги экин майдонларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш бўйими	Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчilikни ривожлантириш бўйими	Хукукий масалалар ва шартномавий муносабатлар бўйими	Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис
Фермер хўжаликларини таъминот ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйими	Дехкон хўжаликлири ва томорка ер эгаларига таъминот ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйими	Мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва кишлоп хўжалигининг бошка муҳим йўналишларини ривожлантириш бўйими	Коммуникация технологиялари бўйича бош мутахассис	Бухгалтерия бўйими
Экспорта кўмаклашиш ва Маркетинг бўйими	Фермер хўжаликларига таъминот ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйими	Матмурий-хўжалик ишлари бўйича бош мутахассис	Магбуот котиби	Ахборот-такхилил ва девонхона бўйими

Бошкарув ходимларининг чекланган сони – 33 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “IQ” оқибадаги ПК-3318-сон карорига
3-илова


**Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехкон хўжаликлари
ва томорка ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**

	Худудий кенгаш раиси	
Фермер хўжаликларини комплекс ривожлантириш, дехкон хўжаликлари ва томорка экин майдонларидан самарали фойдаланиши ташкил этиш бўлими Бўлим бошлиги – 0-1 Бош мутахассис – 1-2	Хукукий масалалар ва шартномавий муносабатлар бўйича бош мутахассис	1
Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига таъминот ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўлими Бўлим бошлиги – 0-1 Бош мутахассис – 1	Иш юритиш бўйича етакчи мутахассис	0-1
Ахборот-таҳлил ва коммуникация технологиялари бўйича бош мутахассис	Хисобчи	1

Худудий кенгашлар ижро аппарати ходимларининг чекланган сони – 6-10 нафар, жами 110 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “Г0” оқибрдаги ПК-ЗЗЛ8-сон қарорига
4-илова

**Туман фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка
ер эгалари кенгашлари ижро аппаратининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Туман кенгашлари ижро аппарати ходимларининг чекланган сони – 5-9 нафар, жами 1149 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “10” октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорига
5-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехкон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари
ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар
РЎЙХАТИ**

Ҳудудлар		
1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа
Андижон вилояти	Қорақалпоғистон Республикаси	Жиззах вилояти
Қашқадарё вилояти	Бухоро вилояти	Навоий вилояти
Наманган вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти
Самарқанд вилояти	Хоразм вилояти	
Тошкент вилояти		
Фарғона вилояти		
6	4	3

1-тоифа – ижро аппарати учун 10 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси – 1, бўлим бошлиғи – 2, бош мутахассис – 5, етакчи мутахассис – 1, ҳисобчи – 1);

2-тоифа – ижро аппарати учун 8 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси – 1, бўлим бошлиғи – 2, бош мутахассис – 4, ҳисобчи – 1);

3-тоифа – ижро аппарати учун 6 та штат бирликларига қадар миқдор белгиланади (худудий кенгаш раиси – 1, бош мутахассис – 4, ҳисобчи – 1).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “10” октябрдаги ПҚ-ЗЗ18-сон қарорига
6-илова

**Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашлари ижро
аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган туманлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Худудлар	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа
1	Корақалпоғистон Республикаси		Амударё Беруний Қўнғирот Тўрткўл Хўжайли Чимбой Элликқалъа	Қораўзак Кегейли Қонликўл Муйноқ Нукус Тахтакўпир Шуманай
2	Андижон вилояти	Андижон Асака Балиқчи Жалакудук Избоскан Марҳамат Шаҳриҳон Олтинкўл Паҳтаобод Қўргонтепа	Булокбоши Хўжаобод	Бўз Улугнор
3	Бухоро вилояти	Жондор Шоғиркон Ғиждувон	Бухоро Вобкент Қоракўл Олот Пешку Ромитан	Когон Коровулбозор
4	Жиззах вилояти	Ш.Рашидов	Фаллаорол Зомин Бахмал	Арнасой Дўстлик Зарбдор Зафаробод Мирзачўл Паҳтакор Фориш Янгиобод
5	Қашқадарё вилояти	Қарши Косон Қамаши Китоб Чирокчи Шаҳрисабз Яққабоғ	Ғузор Миришкор Нишин Касби	Муборак Дехқонобод
6	Навоий вилояти		Кармана Қизилтепа Навбаҳор Хатирчи	Конимех Нурота

7	Наманган вилояти	Косонсой Наманган Поп Тўракўргон Уйчи Учкўргон Чуст Янгикўргон	Мингбулоқ Норин Чорток	
8	Самарқанд вилояти	Иштиҳон Каттақўргон Нарпай Пастдарғом Пайариқ Тайлоқ Самарқанд Булунгур Ургут	Жомбой Оқдарё Пахтачи	Қўшработ Нуробод
9	Сурхондарё вилояти	Денов Жарқўргон Қумқўргон	Ангор Музработ Олтисой Сариосиё Термиз Узун Шеробод Шўрчи Қизириқ	Бойсун
10	Сирдарё вилояти		Боёвут Сирдарё Оқолтин Сайхунобод	Гулистон Мирзаобод Сардоба Ховос
11	Тошкент вилояти	Қибрай Янгийўл Зангиота Тошкент	Оккўргон Оҳангарон Бекобод Бўстонлиқ Бўка Куйичирчик Паркент Пискент Ўртачирчик Чиноз Юқоричирчик	
12	Фаргона вилояти	Бешариқ Бағдод Бувайда Дангара Кува Олтиариқ Қўштепа Риштон Тошлок Ўзбекистон Учкўприқ Фаргона	Ёзёвон Фурқат	Сўх Кувасой

13	Хоразм вилояти		Боғот Гурлан Кўшкўпир Урганч Хазорасп Хонқа Хива Шовот Янгиарик Янгибозор	
	Жами	57	68	32

1-тоифа – ижро аппарати учун 9 та штат бирликларига қадар микдор белгиланади (кенгаш раиси – 1, бош мутахассис – 4, етакчи мутахассис – 4);

2-тоифа – ижро аппарати учун 7 та штат бирликларига қадар микдор белгиланади (кенгаш раиси – 1, бош мутахассис – 4, етакчи мутахассис – 2);

3-тоифа – ижро аппарати учун 5 та штат бирликларига қадар микдор белгиланади (кенгаш раиси – 1, бош мутахассис – 4).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил “10” октябрдаги ПҚ-3318-сон қарорига
7-илюва

**Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг
экин майдонларидан самарали фойдаланиши ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

№	Чора-тадбир номи	Хужжат тури	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
I. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг хуқуқий асосларини, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш				
1.	Фермер хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан кўп тармоқли фермер хўжаликларининг хуқуқий мақомини белгилаш бўйича тегишли қонун хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.	Қонун лойиҳаси	2017 йил декабрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н.Жўраев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>С.Бекенов</i>), Давлат солиқ қўмитаси (<i>Э.Гадоев</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)
2.	Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларининг ўзаро фарқли хусусиятларини белгилаш, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати тизимини кучайтириш юзасидан тегишли қонун хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил март	Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>С.Бекенов</i>), Давлат солиқ қўмитаси (<i>Э.Гадоев</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), “Маҳалла” фонди (<i>Ш.Жавлонов</i>)
3.	Экин майдонларидан самарали фойдаланишда юқори натижаларга эришган томорқа ер эгаларига солиқ имтиёзлари бериш ва аксинча экин майдонларидан самарали фойдаланмаганларга нисбатан ер солигининг уч баробар оширилган ставкасини қўллаш бўйича тегишли қонун хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.	Қонун лойиҳаси	2017 йил декабрь	Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Давлат солиқ қўмитаси (<i>Э.Гадоев</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н.Жўраев</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)
4.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро кооперация муносабатларини жорий этишининг хуқуқий асосларини яратиш.	“Қишлоқ хўжалигига кооперация тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси	2018 йил апрель	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>С.Бекенов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н.Жўраев</i>), Молия вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)

5.	<p>2018 – 2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичмабосқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича худудий дастурларни фермер хўжаликлари кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>Худудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидағи дастурларни кўриб чиқиш ва маъкуллаш учун Сенатга киритиши.</p>	Қоқалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашлари ва Сенат қарори лойиҳалари	Ҳар йили	Вазирлар Маҳкамаси (З.Мирзаев, Ж.Кўчкоров), Қоқалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари
6.	“Илгор фермер”, “Мехнаткаш дехқон” ва “Намунали томорқачи” кўкрак нишонлари таъсис этилиши муносабати билан тегишли низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2017 йил ноябрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), Кенгаш (Б.Юсупов)
7.	<p>Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мухим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>Фермер хўжаликларининг ихтисослашувидан келиб чиқиб улар билан туман ҳокимлиги ўртасида тузиладиган ер ижараси шартномасининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳалари (ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида), Намунавий шартнома лойиҳалари	2017 йил ноябрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Вахобов), Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Кенгаш (Б.Юсупов)
8.	Фермер хўжаликларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан вакиллик назоратини ўрнатишига қаратилган қонун хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши.	Қонун лойиҳаси	2017 йил декабрь	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Кенгаш (Б.Юсупов), “Давергеодезкадастр” кўмитаси (М.Рўзметов)
9.	Фермер хўжаликларига ижарага берилган ер майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича таклифлар киритиши.	Қонун лойиҳаси	2017 йил декабрь	Бош прокуратура (У.Суннатов), Адлия вазирлиги (Н.Жўраев), “Давергеодезкадастр” кўмитаси (М.Рўзметов)
II. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иктисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш				
10.	Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг сони ва улар ихтиёридаги ер майдонларини хатловдан ўтказиб, маълумотларнинг ягона реестрини шакллантириш.	Чора-тадбирлар дастури	2018 йил октябрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси (А.Абдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Умаров), Молия вазирлиги

				(Б.Ходжаев), Давлат статистика қўмитаси (Б.Мирусманов), Кенгаши (Б.Юсупов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари
11.	Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва бошоқли дон етказиб беришда фермер хўжаликларининг балансидаги насослар орқали сугоришга сарфланадиган электр энергия харажатларини Насос станциялари, алоқа ва energetika бошқармалари орқали тўлаш механизмини ишлаб чиқиши.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил март	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), “Ўзбекэнерго” АЖ (У.Мустафоев)
12.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларини сугориш учун доимий равишда етарли миқдорлардаги сув билан таъминлаш, шу жумладан фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ўртасида сув етказиб беришга оид шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, маҳалалар атрофидаги коллекторларни тозалаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	Ҳар йили	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамроев), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари, Кенгаши (Б.Юсупов)
13.	2017 йилда Жиззах вилоятида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқсан ҳолда 2018 йил хосилидан бошлаб республика бўйича пахта йигим-теримида иштирок этувчи ишчиларнинг иш ҳақи фондига нисбатан хисобланадиган ягона ижтимоий тўловни бекор қилиш.	Норматив- хуқуқий хужжат ложиҳаси	2018 йил май	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), Молия вазирлиги (Б.Ходжаев), Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов)
14.	Боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, чорвачилик йўналишларида фаолият юритувчи фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун зарур техника воситалари (минитехникалар) ишлаб чиқариш турлари ва хажмларини ошириш ҳамда уларни имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2017 йил ноябрь	“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ (М.Шерматов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Вахабов), Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Марказий банк (Т.Ишиметов)
15.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, ургулик ва кўчатларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2017 йил декабрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Вахабов), Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), “Ўзқимёсаноат” АЖ (А.Абдуллаев),

				“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ (У.Ахунов), “Ўзнефтмаҳсулот” АК (М.Файзиев), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК (Т.Жалилов), Кенгаш (Б.Юсупов)
16.	Барча қишлоқ туманларида фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилиш тизимини такомиллаштириш.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори лойиҳаси	2017 йил ноябрь	“Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси (З.Файзиев), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК (Т.Жалилов), “Ўзвинсаноат-холдинг” ХК (Ш.Рахимов)
17.	Қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, пахта ва бошоқли дон жойлаштириладиган ер майдонлари бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.	Маълумотлар базаси	2018 йил май	“Давергеодезкадастр” қўмитаси (Т.Абдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Умаров), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Вахабов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари
18.	Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва бошоқли дон сотиш бўйича шартномавий режа сурункали бажарилмаган худудларда режанинг бажарилмаслик сабабларини таҳлил қилиш ва иқтисодий самара берадиган экин турларини жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2017 йил декабрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Вахабов), “Давергеодезкадастр” қўмитаси (Т.Абдуллаев), Кенгаш (Б.Юсупов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари
19.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва сотишнинг прогноз ҳажмларини белгилаш, улар билан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотлар, агрофирмалар, савдо ҳарид корхоналари ва бозор маъмурияти ўртасида шартнома тузиш ишларини ташкил этиш ва тузилган шартномаларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби тўғрисида низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамасининг карори лойиҳаси	2017 йил декабрь	Адлия вазирлиги (А.Ташкулов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), “Давергеодезкадастр” қўмитаси (Т.Абдуллаев), “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси (З.Файзиев), “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК (Т.Жалилов), “Ўзвинсаноат-холдинг” ХК (Ш.Рахимов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (Ш.Жавлонов), Кенгаш (Б.Юсупов)

20.	Агрофирмаларнинг фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш, агрофирмаларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2017 йил декабрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК (Т.Жалилов), “Ўзвинсаноатхолдинг” ХК (Ш.Рахимов), Кенгаш (Б.Юсупов), Корагалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари
21.	Тайёрлов ташкилотларининг қабул қилиш масканларидағи лабораторияларида мавжуд бир томонлама ёндашиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, бунда фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2018 йил февраль	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), Ўздавдонинспекция (З.Абидов), “Ўзстандарт”агентлиги (А.Каримов), “Сифат” маркази (Х.Умархўжаев), Кенгаш (Б.Юсупов)
22.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва қайта ишлаш бўйича инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишда, замонавий банк хизматларини кўрсатишда фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш.	Чора-тадбирлар	Мунтазам равишда	“Агробанк” АТБ (С.Хаджасев), Кенгаш (Б.Юсупов)
23.	Интернет тармоғида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотларини сотиш, хизматлар кўрсатиш ва ахборотлар олишда электрон тижоратни амалга ошириш имкониятини берадиган маҳсус дастурий таъминотни яратиш.	Дастурий таъминот	2018 йил апрель	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Умаров), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Т.Сафаров), Кенгаш (Б.Юсупов)
III. Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланишда вакиллик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш				
24.	Фермер хўжаликларининг ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларга ажратилган ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар чоракда ҳалқ депутатлари туман Кенгашларида мухокама қилиб бориш ва тегишли чоралар кўриш.	Ҳалқ депутатлари туман Кенгашларининг қарорлари	Ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5 санасигача	Корагалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари, Кенгаш (Б.Юсупов)
25.	Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мухокама	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш	Ҳар ой якунидан кейинги	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича

	қилиб бориш ва тегишли чоралар кўриш.	органларининг қарорлари	ойнинг 5 санасигача	республика кенгаши (<i>Ш.Жавлонов</i>), Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимлклари, Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)
26.	Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари хузурида фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига комплекс хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2017 йил декабрь	Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Марказий банк (<i>Т.Ишметов</i>), Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимлклари
27.	Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратишида қишлоқ хўжалиги ва фермерлик соҳаси бўйича мутахассисликка эга бўлган ёшларга имтиёзлар жорий этиш бўйича норматив-хукуқий хужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси	2018 йил январь	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>Т.Сафаров</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>О.Таджисев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>С.Бекенов</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>)
28.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда ёшларга фермер ва дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиши ҳақида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб чиқиши бўйича туман комиссиясига тавсиялар бериш механизмини белгилаш.	Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси	2017 йил ноябрь	Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>О.Таджисев</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>)
29.	Фермер, дехқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари қошида кисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш. Ушбу муассасаларда замонавий агротехнологияларни кўллаш бўйича тажриба ер участкаларини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар дастури	2017 йил ноябрь	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>М.Холмуҳамедов</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>А.Вахабов</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)
IV. “Томорқа –қўшимча даромад манбаи!” шиорини қишлоқ ахолиси орасида кенг тарғиб қилиш				
30.	Фармон мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш мақсадида туркум телекўрсатувлар, радио эшилтиришлар ва босма матбуотда чиқишилар ташкил этиш.	Кўшма дастур	Мунтазам равища	МТРК (<i>А.Ходжаев</i>), ЎзА (<i>М.Хазратқулов</i>), Матбуот ва ахборот агентлиги (<i>Л.Тангриев</i>), ЭОАВМА (<i>Ф.Абдухаликов</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)

31.	Қишлоқ хўжалиги соҳасида фуқароларнинг билим ва кўникумаларини оширишга қаратилган телекўрсатувларни намойиш этадиган ихтисослашган телеканал ташкил этиш бўйича таклиф киритиши.	Таклиф	2017 йил декабрь	МТРК (<i>А.Ходжаев</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>А.Вахабов</i>), Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>)
32.	Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан экин майдонларидан самарали фойдаланиш, дехқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилган конференциялар, давра сұхбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	Кўшма дастур	Мунтазам равища	Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>А.Вахабов</i>), “Давгеодезкадастр” қўмитаси (<i>М.Рўзметов</i>), Адлия вазирлиги (<i>А.Ташкулов</i>), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоят ҳокимликлари
33.	Қишлоқ туманларида фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари иштирокида Кенгашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш ишларини амалга ошириш юзасидан тарғибот тадбирларини ўтказиши.	Кўшма дастур	2017-2018 йиллар	Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (<i>А.Вахабов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н.Жўраев</i>), “Давгеодезкадастр” қўмитаси (<i>М.Рўзметов</i>), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоят ҳокимликлари
34.	Интернет тармоғи, хусусан ижтимоий тармоқларда қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолининг билим ва кўникумаларини ошириш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, дехқончилик маданиятини юксалтириш ва соҳада инновацион технологияларни қўллашга қаратилган илмий материаллар, мобил иловалар ва роликлар жойлаштириш.	Чора тадбирлар дастури	2017-2018 йиллар	Кенгаш (<i>Б.Юсупов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>О.Умаров</i>), “Давгеодезкадастр” қўмитаси (<i>М.Рўзметов</i>), “Маҳалла” фонди (<i>Ш.Жавлонов</i>), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоят ҳокимликлари

